

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” дostonларида халқпарварлик ғояларининг бадий ифодаси..... 63

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва англиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши..... 66

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни 69

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати..... 72

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон англиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари 76

Д.ТЕШАБОВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар..... 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш 83

М.ҚАҲҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 85

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили..... 88

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида 92

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида дostonчилик анъаналари 95

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари 97

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеърларида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон..... 99

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари 101

Касбидан ҳурмат топган устоз..... 102

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили 104

Библиография 106

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди 107

УДК: 370/372

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАСАЛА ЕЧИШГА ИЖОДИЙ ЁНДАШИШ

А.Асимов

Аннотация

Ушбу мақолада бошланғич синфларда математиканинг коррект бўлмаган масалалари ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Аннотация

В статье освещаются разработанные методы формирования первоначального представления некорректных задач по математике в начальных классах.

Annotation

This article describes methods of developing of itial conception of nocorrect sums in primary school.

Таянч сўз ва иборалар: дифференциал тенглама, коррект масала, коррект бўлмаган масала, масаланинг шартли ва саволи, шартда маълумотларнинг етарли бўлмаслиги, шартда маълумотларни ортиқча бўлиши.

Ключевые слова и выражения: дифференциальное уравнение, корректная задача, некорректная задача, условие и вопросы задачи, недостаток и избыток данных в условиях задачи.

Key words and expressions: differential equation, correct sums, no correct sums, conditions and questions of sums, deficiency and surplus of data in the conditions.

Математика фанининг дифференциал тенгламалар бўлимида коррект (лотинча correctus – тўғирланган) ва коррект бўлмаган масалалар тушунчаси ўрганилади.

Коррект масалалар деганда у қуйидаги 3 та шартни қаноатлантириши керак:

- 1) масала ечимга эга бўлиши;
- 2) масала ечимининг ягона бўлиши;
- 3) масала ечимининг турғунлиги.

Бу шартни қаноатлантирмайдиган масалалар коррект бўлмаган масалалар дейилади.

Бошланғич синфда ҳам “коррект” ва “коррект бўлмаган” масалалар ҳақида гапириш мумкин. Маълумки, бошланғич синфда ўқувчилар масалаларни еча бориб янги математик билимларни эгаллайдилар, амалий фаолиятга тайёрланиб борадилар. Масалалар ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашларни ривожлантиради. Ҳар қандай масала икки қисмдан иборат: Шартлар ва саволлар. Масала шартда турли миқдорлар ва улар орасидаги маълумотлар берилади. Масала саволида эса нимани топиш кераклиги кўрсатилади.


Кундалик ҳаётда турли-туман муаммоли вазиятлар тез-тез учраб туради. Улар асосида тузилган масалаларда ортиқча маълумотлар ёки кам маълумотлар бўлиши мумкин. Яъни шу маълумотларга қараб “коррект” (маълумотлар етарли) ва (коррект булмаган) турларига ажратиш мумкин. Бунинг

моҳиятини қуйидаги масала орқали тушунтирайлик:

1- масала .

А, В ва С шаҳарлар орасидаги қуйидагилар берилган: А ва В шаҳар орасидаги масофа 50 км, В ва С шаҳарлар орасидаги масофа 60 км бўлса, А ва С шаҳарлар орасидаги масофа қанча?

Ечиш: Бу шаҳарлар орасидаги масофани аниқлаб бўлмайди. Чунки шаҳарлар турли ҳолатларда жойлашиши мумкин.



2- масала.

Агар тўғри тўртбурчакнинг бўйи энидан 3 см ортиқ бўлса, унинг периметрини топинг. (масала шартли етарли эмас: тўрт бурчак бўйи берилмаган).

А.Асимов – ФарДУ бошланғич таълим услубиёти кафедраси доценти.

3- масала.

А ва В шаҳарлардан бир-бирига қараб икки йўловчи йўлга чиқди. Агар биринчи йўловчининг тезлиги иккинчисидан 10 км ортиқ бўлса, улар неча соатдан кейин учрашади? (Масала шартига иккита маълумот етмайди: иккинчи йўловчи тезлиги ва шаҳарлар орасидаги масофа).

Мактаб дарсликларидаги берилган “коррект масалалардан” қандай қилиб “коррект бўлмаган” масалалар тузиш йўллари ўргатиш мақсадида 1-синф математика дарслигидаги қуйидаги масалаларни кўриб чиқайлик:

2- масала (122 бет).

Бир ҳафтада биринчи ҳунарманд 10 та, иккинчиси эса ундан 4 та ортиқ бешик ясади, иккинчи ҳунарманд неча бешик ясайди?

Бу масалада қуйидаги “коррект бўлмаган” масала ҳосил, қиламиз:

Масала.

Бир ҳафтада иккинчи ҳунарманд биринчисидан 4 та ортиқ бешик ясайди. Иккинчи ҳунарманд неча бешик ясайди? (бу масалада биринчи ҳунарманд ясаган бешик сони йўқ).

10- масала (126 бет).

Дам олиш куни Жамшид отаси билан балиқ овига боришди. Отаси 17 та, Жамшид эса ундан 7 та кам балиқ тутди. Жамшид неча балиқ тутган?

Бу масалада қуйидаги “коррект бўлмаган” масала ҳосил қиламиз:

Масала. Дам олиш куни Жамшид отаси билан балиқ овига боришди. Жамшид отасидан 7 та кам балиқ тутди. Жамшид қанча балиқ тутди?

(Отаси тутган балиқ сони берилмаган).

Баъзи ҳолларда масалалар шартда берилган маълумотлар ортиқча бўлади.

Буни дарсликдаги қуйидаги масала орқали тушунтирайлик:

2- масала. (133 бет)

Болалар оромгоҳида 58 нафар ўғил бола, ундан 28 нафар кам қиз бола дам олди. Оромгоҳда ҳаммаси бўлиб неча бола дам олди?

Масала шартини ортираммиз: Болалар оромгоҳида 58 нафар ўғил бола, ундан 28 нафар кам қиз бола дам олди. Агар оромгоҳда 7 нафар тарбиячи ишлаётган бўлса, оромгоҳда ҳаммаси бўлиб неча бола дам олди?

(тарбиячилар ҳақидаги маълумот ортиқча).

1- масала (149 бет).

Эрта баҳорда мактаб боғига ўтказиш учун 26 туп чинни гул, 24 туп райҳон олиб келинди. Мактаб боғига ҳаммаси бўлиб неча туп гул олиб келинди?

Масала шартини ортираммиз:

Эрта баҳорда мактаб боғига ўтказиш учун 26 туп чинни гул, 24 туп райҳон ва 10 туп шафтоли кўчати олиб келинди. Мактаб боғига ҳаммаси бўлиб неча туп гул олиб келинди?

(бу масалада шафтоли кўчати сони ортиқча маълумот).

1- синфнинг учинчи чорагидан бошлаб, ҳар бир матнли масалаларни ечганда ўқувчиларнинг шу масалалар устидан ижодий ишлашга ўргатилса, яъни ҳар масала шартдаги маълумотларни камайтиришга ва орттиришга ўргатиб борилса, ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлари ортади ҳамда уларни тадқиқот олиб бориш хислатлари шакллантирилади.

Адабиётлар:

1. Таджиева З., Жумаев М.Е. Математика ўқитиш методикаси – Т., 2005
2. Асимов А., Масала шартини ўзгартириш // “Фарғона зиёси”. - 2016 й., 1- сони.
3. Асимов А., Математикани нега ўрганамиз // “Фарғона зиёси”, - 2016 й., 6- сони.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).